

2. Otasi sur onasi sur rangda bo'lgan avlodlarda sur rangining ortishi va yaxshi ifodalanishi xamda oqarish chegarasining aniqligi ortishi irsiy xususiyatlarga bog'liq ekan.

ТУРЛИ ЗОТДОРЛИКДАГИ БУҚАЧАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Б.Ҳамроқулов - магистрант, Г.Жамолова, М.Исроилова - талабалар

Охирги йилларда мамлакатимизнинг барча тоифадаги хўжаликларида наслчилик базасини мустаҳкамлаш, яхшиловчи зотлар ҳисобидан насли молларнинг репродуктор гуруҳлари, подалари ва хўжалиklarини такомиллаштириш тадбирларида хайвонларни конституцияси ва экстеръери муҳим ўрин тутди.

Бу кўрсаткичлар таҳлил этилганда, хайвонларни сутбоп ва гўштбоп шакли ифодаланганлигига, гавдасининг баландлигига, танасининг кенг ва узунлигига, мутаносиб ривожланганлигига, кўкрагининг кенг ва чуқурлигига, танасининг ўрта қисмини чуқур ва кенглигига, оёқларининг нисбатан зич, мустаҳкамлигига тўғри келганлигига, сакраш бўғинида бурчак шакли ифодаланганлигига эътибор берилди. Бизнинг тажрибамиздаги хайвонлардан II гуруҳ буқачаларининг оёқлари бироз дағал, лекин туёқлари мустаҳкам. Экстеръерининг барча комплекс тизимли баҳолари, ҳамма гуруҳлардаги элита ва I класс талабига тўғри келади.

Ушбу молларда уларнинг тирик массасини ошириш ва экстеръер хусусиятларини шакллантириш борасида селекция ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Қора-ола зоти учун йирик тана тузилиши ва ихтисослашган сүтдорлик типи хос.

Бугунги кунда хайвонларнинг экстеръер кўрсаткичларига қараб нафақат уларнинг зоти, зотдорлиги, конституциясига баҳо берилди, балки ушбу кўрсаткичларига қараб хайвонларнинг маҳсулдорлиги ва унинг сифатига ҳам баҳо бериш мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, ҳар хил генотипга мансуб бўлган буқачаларни экстеръер кўрсаткичларини, тирик вазн билан боғлиқлигини У.Носиров (1974, 2001), З.Тўрақулов (1985), П.Собиров, А.Кахаров, С.Дўстқуловлар (2003), Б.Тошпўлатов (2011), М.Нарбаева (2012) ва бошқалар ўзларининг тадқиқотларининг натижаларида кўрсатиб ўтишган.

Биз ўз тадқиқотларимизда тажрибадаги буқачаларни 6 ва 18 ойлигида асосий тана ўлчамларини ўргандик. Шунинг қайд этиш лозимки, хайвонларнинг тана ўлчамлари, эрталаб, уларга озуқа ва сув бермасдан, текис жойга қўйиб, оёқларини қўйилишига эътибор берган ҳолда ўлчов таъғи, ўлчов лентаси ва Вилкенс циркули ёрдамида ўлчаб олинган маълумотлар кичик танламалар усулида умумлаштирилган.

1- жадвал маълумотларининг таҳлилидан кўриниб турибдики, 6 ойлик бузоқларда елка баландлиги бўйича III-гуруҳ хайвонлари I ва II-гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан тегишлича 1,0 ва 0,8 см юқори кўрсаткичга эришган. Бу фарқ буқачаларни 18 ойлигида шунга мутаносиб равишда 1,1 ва 3,2 см ни ташкил этган.

Кўкрак чуқурлиги бўйича 6 ойлик I - гуруҳ хайвонлари тенгқурларидан 3,0 ва 4,9 см устиворлик қилган, 18 ойликка келиб бу кўрсаткич бўйича устунлик I-гуруҳда бўлиб, фарқ 0,9 ва 0,1 см ни ташкил этган.

Кўкрак кенглиги бўйича ҳар иккала ёшда ҳам II-гуруҳ хайвонлари ўз тенгқурлари I ва III-гуруҳга қараганда тегишлича: 0,2; 0,5 ва 0,1; 0,9 см юқори кўрсаткичга эришган.

Кўкрак айланаси бўйича ҳам устунлик ҳар иккала ёшда ҳам II-гуруҳ хайвонларида бўлган. Айтайлик 6 ойлик бузоқларда бу фарқ шунга мос равишда 1,8 ва 1,0 см ни ташкил этган. 18 ойликка келиб, бу кўрсаткич 5,6 ва 3,0 см га тенг бўлган. Гавданнинг қия узунлиги бўйича ҳам II-гуруҳ хайвонлари ўз тенгқурлари I ва III-гуруҳдаги буқачаларини тегишлича: 2,0; 2,0 ва 3,0; 1,5 см га ортда қолдирган. Пойча айланаси бўйича ҳам II-гуруҳ хайвонлари ўз тенгқурларини ҳар иккала ёшда ҳам мутаносиб тарзда устиворликка эришган.

Демак, хайвонларни хўжалик фойдали белгилари билан бевосита боғлиқликда бўлган тана ўлчамлари бўйича кам бўлсада гуруҳлараро фарқ кузатилган. Бунда асосан II-гуруҳ

букачалари, ўз тенгқурлари соф зотли (I-гурух) ва иккинчи бўғин чатишма авлодлари (III-гурух) бирмунча устунлик қилишган.

1-жадвал

Тажрибадаги букачаларни тана ўлчамларини ёш бўйича ўзгариши, см ($X \pm Sx$)

Ҳайвонларнинг ёши, ой ҳисобида	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	6 ойлик (n=10)	18 ойлик (n=10)	6 ойлик (n=10)	18 ойлик (n=10)	6 ойлик (n=10)	18 ойлик (n=10)
Елка баландлиги	89,8±0,90	124,0±1,49	90,6±3,11	121,2±2,11	91,6±0,10	125,1±4,8
Кўкрак чуқурлиги	32,9±0,06	70,1±0,61	38,1±2,90	69,0±1,19	34,0±0,99	69,4±0,96
Кўкрак кенглиги	24,7±0,04	45,1±0,76	25,2±0,97	46,0±1,10	25,0±1,10	46,1±0,46
Орка дўнг суяк эни	22,0±0,04	48,1±1,41	22,4±0,97	47,1±2,09	21,6±0,69	47,0±0,41
Гавданинг қия узунлиги	97,0±0,76	145,9±4,17	99,0±0,98	148,4±3,19	97,0±0,51	147,8±3,10
Кўкрак айланаси	103,0±0,81	194,0±4,82	104,1±1,10	197,0±4,17	102,6±1,60	196,5±1,40
Пойча айланаси	12,4±0,90	17,8±0,43	12,6±0,60	17,9±1,07	11,9±0,40	17,8±0,62

Изоҳ: I-гурух соф зотли қора-ола

II-гурух F_1 ($\frac{1}{2}$ қора-ола х $\frac{1}{2}$ голштин)

III-гурух F_2 ($\frac{1}{4}$ қора-ола х $\frac{3}{4}$ голштин)

Ҳайвонларни ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилганда ёки уларни экстерерига қараб баҳо берилганда тана тузилиш индекслари муҳим амалий ва назарий аҳамият касб этади. Тана тузилиш индекси деганда – анатомио – физиологик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган бир ўлчамни, иккинчи ўлчамга бўлган нисбатини фоиз ҳисобида ифодаланиши тушунилади. Шунинг учун ҳам биз 6 ва 18 ойликда олинган асосий тана тузилиш ўлчамлари кўрсаткичларига биноан асосий тана тузилиш индексларини ҳисобладик. Бу индекслар асосан букачаларни гўшт маҳсулдорлигини ифодалайдиган индекслардир.

2-жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларни тана тузилиш индекслари, %

Тана тузилиш индекслари	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	6 ойлик	18 ойлик	6 ойлик	18 ойлик	6 ойлик	18 ойлик
Узуноёқлилиқ	63,4	43,5	57,9	52,2	62,9	55,7
Чўзоқлилиқ ёки формат	108,9	117,7	109,3	122,0	105,8	118,1
Тос – кўкрак	112,0	93,6	112,5	97,7	115,7	98,1
Кўкрак	75,1	64,3	66,1	66,7	73,5	66,4
Зичлик ёки компакт	106,2	133,1	105,2	132,7	105,1	132,9
Суяқдорлик	13,8	14,3	13,9	14,8	13,0	14,2
Массивлик	114,6	156,5	114,9	162,5	112,0	156,2

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўрганилган тана тузилиш индекслари ҳайвонларни умумий ривожланиш қонуниятларига мос келади. Айрим индекслар

хайвонларни ёши ортиши билан унга боғлиқ ҳолда камайган бўлса, айримлари бунинг акси ёши ошиши билан кўпайиб борган.

Хусусан узунёқлилиқ, тос – кўкрак каби индекслар ёшга боғлиқ ҳолда камайган. Чўзиқлилиқ (формат), кўкрак, зичлик ёки компакт ва суякдорлик индекслари ёш ортиши билан ортиб борган.

Тана тузилиш индекслари бўйича сезиларли даражада гуруҳлараро фарқ кузатилмаган. Аксинча барча индекслар тана қисмларини бир-бирига мутаносиб ривожланганлигини характерлаган. Бизнинг натижаларимиз У.Носиров (2001), П.Собиров ва бошқалар (2003), Аширов (2012), М.Нарбаеваларнинг (2012) маълумотларига мос келиши билан ажралиб туради.

ТУРЛИ ЗОТДОРЛИҚДАГИ БУҚАЧАЛАРНИНГ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

И.Мусаева, Н.Хасанова, Ш.Кўчқоров - талабалар

Қорамолчилиқни барқарор ривожлантириш, аҳолини соҳадан олинадиган маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини берар экан. Тиббиёт меъёри бўйича аҳоли жон бошига бир йилда 82-84 кг гўшт ва гўшт маҳсулотлари (шундан қорамол гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулотлар 55,8-59,0 кг) ва 400,0 – 500,0 кг сут ва сут маҳсулотлари тўғри келиши лозим. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган сут аҳоли жон бошига 200,0 кг дан ва қорамол гўшти эса 20,0 кг дан кўпроқ. Кўришиб турибдики, ушбу маҳсулотларни етиштириш даражаси тиббиёт меъёридан тегишлича 2,5 ва 4,2 баробар камдир.

Республика хўжалиқлари каби Самарқанд вилояти хўжалиқларида урчитилаётган қорамол зотлари, узоқ йиллардан буён ўзининг асосий хўжалиқ фойдали белгиларини голштин зотига мансуб насли буқаларнинг уруғи билан такомиллаштириб келмоқда. Бу селекцион тадбир натижасида турли тоифадаги хўжалиқларда кўп сонли турли генетик келиб чиқишга эга бўлган авлодлар олинган. Шунинг учун ҳам қорамолларнинг маҳсулдорлигини оширишга, унинг экологик жиҳатдан сифатини яхшилашга йўналтирилган ҳар қандай илмий изланиш муҳим ҳисобланиб, мавзунини долзарблигини белгилайди.

Тажриба учун ўзининг генетик келиб чиқиши, яъни зоти ва зотдорлиги, ёши, жинси ҳамда маҳсулдорлиги билан бир-бирига ўхшаш бўлган, ҳар бир тажриба гуруҳига 5 бошдан, жами 15 бош 3 ойлик соғлом буқачалар танлаб олинди.

Тажрибадаги хайвонларни 3,6,9,12,15,18,21 ойлигидаги тирик вазни ҳар ойнинг охирида, ҳар бир бош буқачани алоҳида-алоҳида тарозида тортиш йўли билан ўрганилди.

Буқачаларнинг тирик вазни гўшт маҳсулоти билан бевосита боғлиқликда бўлади. Шунинг учун ҳам буқачаларни ёшлигидан, деталлаштирилган сифатли озиклантириб, сут-гўштбоп молларнинг кунига камида 800-850 грамм, сутбоп зотларда эса 700-750 грамм ўртача кунлик ўсишга эришиш муҳимдир. Кўрсатилаётган кунлик ўсишларда боқилаётган ёш қорамолларнинг 18 ойлигидаги вазни 420-480 кг айрим ҳолатларда, ҳатто 500 килограмм ундан ортиқ тош босади.

Маълумки, буқачаларни жадал усулда боққанда ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига 2,3 дан 2,7 кг гача қуруқ модда керак бўлади. Буқачаларни ёшлигидан боққанда уларни ҳазмланувчи протеинга бўлган эҳтиёжи кучли бўлади. Бундан ташқари ёш моллар катта ёшдаги молларга нисбатан витаминлар етишмаслигига чидамсиздир. Бу ходиса ўсиш ва ривожланишни секинлаштиради, бошқача қилиб айтганда хайвон ўсишдан қолди, бу эса турли касалликларни келтириб чиқаради. Гўшт учун боқилаётган буқачаларни қиш даврида витаминлар билан таъминлаш мақсадида бошоқли дуккаклар пичанидан, ўт ундан, балиқ мойидан, таркибида озукавий ва сунъий витаминли препаратлари бўлган премикслардан фойдаланилади. Меъёрлар бўйича рацион тузилганда озикнинг тўйимлилиги ошади, буқачалар яхши сақланади, касалликлар келиб чиқишининг олди олинади. Сайр қилдириб боқиш, молхоналарда боқишдан фақатгина техникавий – иқтисодий жиҳатдан қулай бўлиб